



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вадиларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Ислам Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Куйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

- Марокаш Қироли — **Муҳаммад VI**
- Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти — **Абдулазиз Бутефлика**
- Чехия Республикаси Президенти — **Милош Земан**
- Польша Республикаси Президенти — **Анджей Дуда**
- Польша Республикаси ташқи ишлар вазири — **Витольд Вашиковский**
- Мальдив Республикаси Президенти — **Абдулла Ямин Абдул Гаюм**
- Мўғулистон Республикаси Президенти — **Цахиагийн Элбэгдорж**
- Грузия Президенти — **Гиорги Маргвелашвили**
- Грузия Бош вазири — **Георгий Квирикшвили**
- Грузия ташқи ишлар вазири — **Михеил Жанелидзе**
- Руминия ташқи ишлар вазири — **Лазар Команеску**
- БМТ Бош котибининг ўринбосари, ЭСКАТО ижрочи котиби — **Шамшад Ахтар**
- Осиё тараққиёт банки президенти — **Такэхико Накао**
- Жаҳон банки гуруҳи ижрочи директори — **Йорг Фриден**
- Энергетика хартияси бош котиби — **Урбан Руснак**
- Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти — **Сума Чакрабарти**
- Германия иқтисодиёти Шарқий қўмитаси бошқаруви раиси — **Вольфганг Биохеле**
- «Хаят интернейшнл» компаниясининг Европа, Осиё ва Яқин Шарқ бўйича минтақавий президенти — **Питер Фултон**
- «ЛЕМКЕН» компанияси ижрочи директори — **Антони ван дер Лей**
- «Уайт энд Кейс» компанияси президенти — **Жейсон Керр**
- «ИНДОРАМА» корпорацияси бошқаруви аъзоси — **Пракаш Кежривал**
- «Сумитомо Корпорейшн» президенти ва катта ижрочи директори — **Кунихару Накамура**
- Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти минтақавий директори — **Жужанна Якоб**
- Европа Парламентининг Марказий Осиё бўйича делегацияси раиси — **Ивета Григуле**
- Россия телевидение ва радиотелекоммуникациялар уюшмаси раҳбари — **Эдуард Сагалаев**
- Цукуба университети президенти — **Кёсукэ Нагата**
- Бремен университети профессори — **Хаген Лихтенберг**.

Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев 2016 йил 7 сентябрда «Боинг — фуқаро самолётлари» компанияси президенти Рэймонд Коннерни қабул қилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Абдуганиевич Каримов вафоти муносабати билан Р.Коннер «Боинг» компанияси номидан Ўзбекистон ҳукумати ва халқига чуқур ҳамдардлик билдирди.

«Боинг» компанияси билан фуқаро авиацияси соҳасида эришилган юқори даражадаги ўзаро манфаатли ва узок муддатли ҳамкорлик мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислам Каримов қўша лойиҳаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаганининг самараси экани таъкидланди.

Бугун «Боинг» компанияси Ўзбекистоннинг йўловчи ташийдиган замонавий самолётлар етказиб бериш, улар-

## «БОИНГ — ФУҚАРО САМОЛЁТЛАРИ» КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШУВ

дан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш борасидаги ишончли ҳамкоридир. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси айна пайтда 15 та «Боинг» самолётдан фойдаланмоқда. Миллий авиакомпаниямиз томонидан амалга оширилаётган барча ташуварларнинг ярмидан кўпи айнан ушбу ҳаво лайнерлари ҳиссасига тўғри келмоқда ва бу авиакомпаниямизнинг минтақадаги йирик ҳамда жадал ривожланаётган авиакорхоналардан бири сифатидаги ўрнини мустақамлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги арафасида миллий

авиакомпаниямиз самолётлари сафига энг замонавий ва шинам «Боинг-787 Дримлайнер» ҳаво кемаси ҳам қўшилди. Мазкур лайнер шу йилнинг 5 сентябрдан Урганч, Бухоро ва Нукус шаҳарларига дастлабки парвозларни амалга оширган бўлса, келгуси ҳафтадан халқаро авиайўналишларга қатнаш бошлайди. Жорий йилнинг ноябр ойида эса Ўзбекистонга иккинчи «Дримлайнер» келтирилади. Мамлакатимизда, жумладан, миллий авиакомпаниямиз ўқув-машгулот марказини комплекс тренажёр ускуналари билан таъминлаш орқали учувчи ва мутахассислар тайёрлаш бўйича ҳам-

корликда самарали ишлар олиб борилаётган.

Шу йилнинг январ ойида янги қўша лойиҳа — «Ўзбекистон Эйрвейз Текникс» авиакорхонаси базасида замонавий самолётлар конструкциясининг йирик композит материалларини таъмирлаш бўйича минтақавий марказ ишга туширилди.

Рэймонд Коннер қўша лойиҳалар қўллаб-қувватланаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди ва у раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик ҳамкорлар билан ўзаро манфаатли ҳамда самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини таъкидлади.

ЎЗА

Юртдошларимиз мустақиллигимиз асосчиси, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини ёд этиб, бу буюк инсон ишлаб чиққан узок йилларга мўлжалланган дастурларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшиш, бу гоёларга содиқ бўлиш ҳақида қалб сўзларини билдирмоқда.

## Медалимизни Президентимизнинг кўксига тақмоқчи эдик

Шаҳобиддин ЗОИРОВ,  
XXI ёзги Олимпия ўйинлари голиби:

— Президентимиз ёшлар билан учрашганда ҳар бирини бағрига босиб, уларнинг буюк келажақ барпо этишига ишонини таъкидларди. Ҳа, Президентимиз биз, ёшларга худди, ота фарзандига, бобо наварасига ишонгандек ишонарди.

Биз, ёшлар ҳам Юртбошимизга суянардик, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳар бир айтган сўзи, ҳар бир иши бизни руҳлантирар эди. Ана шундай меҳр ва эътибор туфайли ўзбек ёшлари дунё майдонига чиқди, кўксини кериб, дунёнинг манаман деган давлати спортчилари билан тенгма-тенг беллашишга қўрқ эканини исботлади.

XXI ёзги Олимпияда олтин медалини қўлга киритдим. Бу медалини она Ватанимизга, халқимизга, Президентимизга бағишладим. Бу ғалабам юксак баҳолиниб, Юртбошимизнинг 2016 йил 24 августдаги фармони билан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирландим.

Президентимиз Ислам Каримовнинг меҳри ва ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз ва бунга жавобан кейинги Олимпиадалар ва нуфузли халқаро мусобақаларда ҳам Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз баралла янграши учун куч-гайратимизни аямаймиз.

»(2).

## Халқаро анжуман

Истиқлол йилларида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш устувор вазифалардан бирига айланди. Оналар ва болалар саломатлигини сақлашга, ҳар томонлама соғлом авлодни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши ҳам ушбу йўналишда амалга оширилаётган хайрли ишлар қўламини янада кенгайтирди.



И.Хасанов олган сурат

## Она ва бола саломатлиги йўлида

Пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро анжуман мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги хайрли ишлар, қўлга киритилган натижалар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотираси ёдга олинди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Фуқаролик жамияти шаклланиши мониторинг қилиш мустақил институти, «Камолот» ЁИХ, БМТ аҳоли-шунослик жамғармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида 6-7 сентябр кун-

лари «Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш — жамият ривожланишининг мустақам асоси: Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида ташкил этилган халқаро анжуманида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, экспертлар, журналистлар иштирок этди.

»(2).

## Истиқлол ва истиқбол

# Улкан салоҳият ва кенг имкониятлар самараси

Мамлакатимиз ютуқлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Бу, аввало, юртимизда изчиллик билан олиб борилаётган одилона сиёсат самараси бўлиб, истиқлол йилларида мамлакатимиз ўзининг улкан салоҳият ва кенг имкониятларга эга эканлигини исботлаб бера олди.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга йўналтирилаётган сармоялар минтақанинг жадал ривожланишида асосий ўрин эгаллайди. Жумладан, 2008 йилда 838 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилган бўлса, 2015 йилга келиб бу кўрсаткич 5,9 триллион сўмни ташкил этди. Яъни 7,4 баравар ўсишга эришилди. Эътиборлиси, ўзлаштирилган капитал қўйилмаларнинг 2,9 триллион сўми хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳиссасига тўғри келди.

Хусусан, бепойн Устюрт кенгликлариди йилига 100 минг тонна калцийлаштирилган сода ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Кўнгирот сода заводи» унитар корхонаси ишга туширилиб, айна пайтда бу ерда тайёрланаётган маҳсулот мамлакатимиз кимё ва нефт корхоналарига етказиб берилмоқда. Шунингдек, Россия, Қозғоғистон, Қирғизистон, Туркменистон Республикаларига экспорт қилинмоқда. 2016 йилда яна 100 минг тонна калцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга 109 млн. долларлик иккинчи босқич лойиҳаси ишга туширилди. Шу ўринда Ўзбекистон ва Жа-

нубий Корея ҳамкорлигининг юксак намунасига айланган, Юртбошимиз ташаббуси билан қурилган Устюрт газ-кимё комплекс ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсам. Умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида йилига 4,0 миллиард куб метр табиий газ қайта ишланиб, 387 минг тонна полиэтилен, 83 минг тонна полипропилен, 102 минг тонна пиролиз дистилляти ва бошқа қimmatбаҳо маҳсулотлар тайёрлаш имконияти юзага келди.

Мажмуа нефт-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлиб, халқаро ташкилотлар томонидан мазкур молиявий битим 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деяр эътироф этилиб, халқаро мукофотга сазовор бўлгани ҳам бежиз эмас. Корхона ишга туширилиши билан бир ярим мингга яқин маҳаллий ёшлар доимий иш билан таъминланди. Ушбу лойиҳанинг аҳоли ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўрни ниҳоятда беқийс эканлигини шундан ҳам билса бўлади.

Орол бўйида энгил саноатни ислоҳ қилиш, мавжуд корхоналарни модернизациялаш, янги ва за-



монавий ишлаб чиқариш қувватларига кенг йўл очилганда эътибор қаратилмоқда. Қорақалпоғистон Республикасида 2015 — 2019 йилларда жами қиймати 79,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 8 та йирик тўқимачилик корхонасини ташкил этиш белгиланган. Ушбу

лоийҳалар муваффақиятли амалга оширилган, худудда етиштирилган пахта толасини қайта ишлаш даражаси 53,5 фоизга етиб, 2015 йилга нисбатан 4 маротаба ортади. 2008 йилда худудда пахта толасини қайта ишлаш қувватлари жами 2,9 минг тоннани ташкил этарди.

2015 йилга келиб «Нукус текстил», Беруний туманидаги «Астера текстил», Хужайлидаги «Элит стар текстил», Эллиқалдадаги «Глобал национал текстил» корхоналари тўлиқ реконструкция қилинди, замонавий «Амударё текстил» корхонаси бунёд этилди. Ҳатто, энг олис аҳоли яшаш

жойларига ҳам энгил саноат кириб бориб, Тахтақўпир, Қонлиқўл, Беруний ва Кегайли туманларида йилига 360 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган тўртта замонавий корхона ишга туширилди. Тайёр тивувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 78 та лойиҳанинг амалга оширилиши эса минглаб хотин-қизларнинг бандлигини таъминлади.

Қорақалпоғистонда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, корхоналарни модернизация қилиш натижасида 2015 йилда ялпи маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 17,7 фоизни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич 2005 йил билан таққосланганда 8,6 баравар ўсишга эришилганлигини кўриш мумкин.

Қорақалпоғистонга жалб қилинаётган инвестициялар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётганлиги туфайли ривожланиш суръатининг муттасил ўсишига эришилмоқда. Жумладан, 2015 йилда барча манбалар ҳисобидан 5,9 триллион сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, келгуси беш йилда бунди 20 триллион сўмга етказиш режалаштирилган.

Тахиятош иссиқлик электр станциясида 700 миллионга яқин АҚШ доллар микдоридидаги инвестиция ҳисобига қўшимча қуввати 230-250 МВтлик иккита буғ-газ қурилмасини қуриш асосида модернизация ишлари амалга оширилмоқда. Қораўзақ тумани худудидидаги «Жамансой» қониди хитойлик ҳамкорлар билан қиймати 19,8 миллион АҚШ доллари доирасидаги лойиҳа асосида цемент ишлаб чиқариш корхонаси бунёд этилмоқда. Корхонада йилига 200 минг тонна цемент ишлаб чиқарилади. Натижада, яна 200 га яқин иш ўрни барпо этилади.

»(2-3).

# Медалимизни Президентимизнинг кўксига тақмоқчи эдик

Фазлиддин ҒОЙИБНАЗАРОВ, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари голиби:

— Президентимиз ҳар бир чиқишида, нутқида ёшларни ўз фарзандидек кўришини айтиб, Ватанини севиши, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришга даъвати қалбимизда юртга садоқат, мардлик, шижоат туйғуларини жўш урдирар эди.

Ана шу туйғу мени XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида олтин медални кўлга киритиб, байроғимизни баланд кўтаришга, мадҳиямизни кўз ёш билан тинглашга ундаган.

Президентимиз камтарона ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги фармони билан «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан тақдирлади. Афсус, бу мукофотни ўз кўлларидан олиш nasib этмади...

Биз Президентимиз Исрол Каримовнинг номини, хотирасини қалбимизда мангу сақлаймиз.

Шахрам ҒАЙБОВ, XXXI ёзги Олимпия ўйинлари совриндори:

— Ҳар сафар бирор хорижий давлатга мусобақага борганимизда, у ерда узоқ қололмаймиз. Мусобақа тугаши билан жонажон Ўзбекистонимизга шошамиз. Чунки жаннатмонанд Ватанимизда мустақиллик йилларида мисли кўрилмаган ишлар қилиндики, натижада ўтган йигирма беш йил ичида юртимиз дунёдаги энг тинч-осойишта давлатга айланди, халқимиз бахтли ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, орзу-умидларининг рўёбини кўрмоқда. Бунинг учун мустақиллигимиз асосчиси Президентимиз Исрол Каримовдан миннатдоримиз. У кишининг хотираси қалбимизда абадий яшайди.

Президентимиз билан кўришишни болалигимдан орзу қилардим. Телевизорда у кишининг спортчиларни бағрига босиб кўйишини кўрганда ҳавасим келарди. Шу боис спорт билан жиддий шуғулландим. Мен ҳам чемпиони бўлиб, Юртбошимиз билан кўришаман, деб ният қилганман.

XXXI ёзги Олимпия ўйинларида ярим финалга чиққанамиз ҳам медални нақд қилганим учун эмас, ана шу орзумнинг ушалишини ўйлаб, хурсанд бўлгандим. Олимпиадада медал олсам, Президентимизнинг кўксига тақиб қўяман, деб ўйлагандим.

Олимпиадада бизнинг юксак галабамиз, бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг дунёдаги энг кучли жамоа, деб эътироф этилиши ҳам Юртбошимизнинг спортчиларга қаратган эътибор ва ғамхўрлиги, яратган кенг шароит ва имкониятлари туфайлидир.

Юртбошимиз Бразилияда кўлга киритган ютуғимни юксак баҳолаб, 2016 йил 24 августдаги фармони билан мени «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвонига муносиб кўрди.

Биз, ёшлар Президентимизнинг номини абадий қалбимизда сақлаймиз, ҳар доим бу буюк инсоннинг ишончига муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз.

ЎЗА мухбири Байрам АЙТМУРОДОВ ёзди.

# Бу муқаддас Ватанда



ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:

## Улкан салоҳият ва

корхоналарининг ишга туширилгани, охириги 3 йил ичида чарм-поябзал саноатида қиймати 409,5 минг АҚШ долларига тенг бўлган саккизта лойиҳа амалга оширилгани ана шу саъй-ҳаракатлар натижасидир.

Кейинги йилларда 214 та мелиоратив объектларда 108 миллиард сўм маблағ ҳисобига 500 километр коллектор-дренаж тармоқлари қурилиб, реконструкция қилинди, 12 минг километр узунликда таъмирлаш ва тиклаш ишлари амалга оширилди. 515 минг 135 гектар суғориладиган майдонларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Жумладан, Жаҳон банки иштирокчида 74,6 миллион АҚШ доллари қийматида 2,1 минг километрдан зиёд коллекторда таъмирлаш ишлари амалга оширилди. «Беруний», «Қизилқум» коллекторлари ўзоқар қилиб қайта тикланди. Беруний, Тўртқўл, Эллиққалъа туманларидаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган 100 минг гектарлик ер майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Истиклолнинг илк кунлариданоқ асос солинган барча илохотлар, аввало, инсон манфаатлари, унинг бахту-саодати, фаровон турмушига қаратилиб, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, айниқса, қишлоқ аҳолиси ҳаётини яхшилаш доимий эътибордаги масалалардан бирига айланганлиги бугун ўз самарасини бермоқда. Хусусан, 2009 йил 3 августда «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратadbirlar тўғрисида»-ги Президент қарорига мувофиқ замонавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар қуриш, фуқаролар турмуш тарзини тубдан ўзгартириш каби эзгу мақсадларга асосланган давлат дастурлари ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. 2009 — 2015 йилларда 59 та қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида барча қулайликка эга бўлган 2982 та замонавий уй-жой барпо этилди.

Бошқача айтганда, Оролбўйида 2009 йилда 100 та ана шундай уйлар қурилган бўлса, 2015 йилда уларнинг сони 650 тага етди. Жорий йил охирига қадар эса шундай бинолардан 668 тасини қуриш назарда тутилган.

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш мақсадида амалга ошириладиган хайрли ишларга алоҳида тўхталиш зарур. Чунки, ёшлар бизнинг келагачимиз, улар бугун биз амалга ошираётган ишларнинг давомчиларидир. Бугунги кунда ёшлар учун барча имконият яратилган. Хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2008 — 2015 йиллар мобайнида 9 та жисмоний тарбия мажмуалари, мактаблар қошида 63 та янги спорт зали, замонавий талабларга жавоб берадиган кўплаб спорт майдонлари, иншоотлари, сузиш ҳавзалари бунёд этилиб, реконструкция қилинди. Кейинги етти йил давомида 33 миллиард сўм маблағ ҳисобига болалар ва ўсмирлар учун 2850 ўринли 19 та мусика ва санъат мактаблари фойдаланишга топширилди.

Бу йўналишдаги ишлар билан танишинг асосида ёш авлод камолоти йўлида таҳсинга сазовор ишлар қилинаётганига яна бир бор гувоҳ бўласиз. Узоққа бориб ўтирмайлик. Мустақилликкача Қорақалпоғистонда фақат иккита олий ўқув маскани мавжуд эди. Бугун эса барча қулайликка эга бўлган саккизта олий таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Тошкент Педагогика-тиббий институти Нукус филиалида мингдан зиёд талабага мўлжалланган ўқув-лаборатория биноси, Тошкент Ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида 320 ўринга мўлжалланган асосий ўқув бинолари бунёд этилиб, шаҳар кўрмига кўрқ қўшиб турибди. Ушбу нуфузли олий ўқув юртини қуриш, моддий-техника базасини яхшилашга 9,3 миллиард сўм сафланди.

## Тиббиёт Соғлом фарзанд — юрт бойлиги

Инсонлар соғлиги муҳофазаланган юртдагина ўсиш-ўзгариш ва ривожланиш бўлади. Айниқса, Оролбўйи минтақасида ушбу масалага долзарб вазифалардан бири сифатида қаралади. Аҳолини доимий тиббий назоратдан ўтказиб туриш ва даволаш борасида катта ишлар олиб борилмоқда. Соғлом она ва бола йўлида, табиийки, бу йўналишдаги ишлар янада жонланди. Бугун энг олис, чекка овул ва қишлоқларда ҳам замонавий қишлоқ врачлик пунктлари аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Нукус «Она ва бола» скрининг маркази истиқлол даврида ташкил этилган ана шундай тиббиёт масканларидан биридир. Ушбу муассаса Оролбўйида жойлашган шаҳар ва туманларда истикомат қилаётган ҳомилалар аёлларнинг тизимли тарзда ултраовуш текширувларидан ўтишларини таъминлаш билан бирга, аҳоли орасида миллат генофондини мустаҳкамлаш бўйича зарур чоратadbirlarни амалга ошириб келмоқда.

Телекўрсатув ва радио эшиттиришлар тайёрланиб, газета ва журналларда мақолалар чоп этилди. Кўриб, гувоҳи бўлиб турибмизки, яқин қариндошлар ўртасида ҳамда эрта никоҳ қуришдан келиб чиқадиган салбий оқибатлар, туғма, ирсий касалликларнинг келиб чиқиши, уларнинг олдини олиш мавзуларидаги марказ шифокорларининг чиқишлари аҳоли ўртасида тиббий билимларни чуқурлаштиришга ёрдам бераётди.

Бугунги кунда болалар ногиронлигини камайтириш, соғлом насл қолдириш ва соғлом авлоднинг дунёга келишини таъминлашга қаратилган амалий ишларимиз ўз самарасини бераётганидан хурсандимиз. Марказимизда касалликларни вақтида аниқлаш имконини берадиган ултраовушли ускуна, «Дельфия-Виктор» кўп функцияли биохимий анализатори ва ташхис қўйиш даражасини оширадиган кўплаб замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилмоқда. Яратиб бериладиган қулайликлар натижасида жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида 14764 нафар ҳомилалар аёл ултраовуш, 1596 нафари биохимий текширувлардан ўтди.

Шуни ғурур ва ифтихор билан тилга олиб ўтиш зарурки, келажагимиз ворисларининг соғлом туғилиши ва вояга етиши учун юртимизда тўла замин яратилган.

Амина ҚАЛАНДАРОВА, Нукус «Она ва бола» скрининг маркази раҳбари, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси

Қ(1).

Минтақадаги мавжуд корхоналарни юқори технологияларга асосланган асбоб-ускуналар билан таъминлаш, уларда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш устида қизгин иш олиб борилмоқда. 2016 — 2018 йиллар давомида саноат соҳасида жами 671 та лойиҳани рўёбга чиқариш ва 14 мингга яқин янги иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Жорий йилнинг охирига қадар қиймати 197,4 миллиард сўмлик ва 400 минг долларлик 292 та лойиҳа амалга оширилади.

Қорақалпоғистонда дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш учун улкан хомашё захираси мавжуд. Нукус шахри, Қўнғирот, Қораўзақ, Амударё, Нукус туманларида мева-сабзавот, тери, гўшт, сўт ва сўт маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Нукус шахрида қиймати йилига 4800 донга тенг қайта ишловчи «Ориент технолоджи», Амударё туманида 10 минг жуфт пойабзал ишлаб чиқарувчи «Бойовул пойабзал»

## Қасаба уюшмалари мустақиллик йилларида

Истиклолнинг чорак асрлик, тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизда амалга оширилган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишларини кўриб, мушоҳада юритиб, ана шу эзгуликлар иштирокчиси эканлигимиздан қалбимизда фахр-ифтихор хисси жўш урмоқда.

# Хайрли ишларга камарбастамиз

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Ҳаракат дастури, Қурултой ва Кенгаш қарорларини бажариш баробарида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза қилиш, қулай ва муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, ходимлар ва оила аъзоларига ғамхўрлик кўрсатиш ишларига эътибор кучайтирилиб, бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан жорий йил иш режалари ва «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида қатор вазифалар бажарилмоқда.

Ижтимоий шериклик таъсирчанлигига эришиш мақсадида жойларда бўлиб, жамоа шартномаларининг бажарилишига оид муҳокамаларда қатнашаримиз. Жумладан, Устюрт қидириш, бургулаш бошқармаси тўрдош корхонаси, «Тахиятош ИЭС» акциядорлик жамияти, «Устюртгаз» МЧЖ, Қорақалпоқ худудий электр тармоқлари акциядорлик жамиятларида меҳнат аҳли манфаатлари ҳимоясига эътибор муттасили кучайиб бормоқда.

Амалиёт билан чамбарчас бўлсагина сўз қудрат касб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда Халқ банки Нукус туман филиали, 15-соли музика ва санъат мактаби, Нукус туман молия бўлими, Тахиятош нефть базаси унитар корхонаси ва бошқа қатор ташкилот ва муассасаларнинг қасаба уюшма ташкилотларига тегишли ёрдамлар кўрсатилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Савдо-саноат палатасининг худудий бошқармаси ва қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан 2014 — 2016 йилларга мўлжалланган худудий келишувнинг бажарилиши муҳокама этиб борилиши ҳам ўз самарасини бераётди. Вазирликлар, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қабул



ЎЗА суратлари

қилинаётган қўшма қарорлар, уларнинг амалий натижалари фаолиятимиз самарадорлигини янада ошираётди.

Аҳоли бандлигини таъминлашга қўмақлаш, корхоналарда квоталанган иш ўринларига ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни жойлаштириш юзасидан тизимли саъй-ҳаракатлар амалга оширилади. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 260 та корхонада 1174 та иш ўрни, 114 нафар коллеж битирувчилари учун 70 дан зиёд муассасада меҳнат жойлари мониторинги ўтказилди. Жумладан, 2388 та квоталанган иш ўринлари 1286 нафар фуқарога тақдир этилди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида эҳтиёжманд, ногирон, ёлғиз кексалар, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида 396 млн. 800 минг сўм маблағ ажратилди. Шундан, 273 млн. 300 минг сўми қасаба уюшмалари ҳисобидан йўналтирилди.

Амалдаги 6541 та жамоа шартномаларида белгиланган мажбуриятлардан келиб чиқ-

қан ҳолда, иш бериувчилар билан қасаба уюшмалари томонидан ёшларга, ходимлар ва кексаларга 662 млн. сўм миқдоридан ёрдам кўрсатилди.

Кези келганда алоҳида таъкидлашни истардимки, Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан жорий йилда коллеж битирувчилари учун туман ва шаҳарларда 25 та янги иш ўрини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан қасаба уюшмаларининг Ҳаракат дастури ўзининг амалий натижаларини бермоқда.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда турли мавзуларда «Маънавият соатлари» мунтазам ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирларда шу пайтгача 530 минг 275 нафар ходимнинг иштироки таъминланди. Унда мамлакатимизда амалга ошириладиган кенг қўламли илохотларнинг мазмун-моҳияти чуқур таҳлил этилиб, меҳнаткашлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Болажонларнинг ёзги дам олиш мавсумини намунали ташкил этиш мақсадида мав-

жуд 10 та меҳнат ва дам олиш маркази, 6 та стационар-соғломлаштириш, 19 та кундузги оромгоҳларнинг биринчи ҳамда иккинчи босқичларида жами 5353 бола хордик чиқарди. Жумладан, жорий йилнинг июн ойида Тошкент шаҳридаги «Транспортчи авлод» дам олиш марказида 200 нафар, Тошкент вилоятидаги «Конструктор», «Нурафшон», «Зилла», «Машал», «Ғунча» ёзги соғломлаштириш муассасаларида 710 нафар, Самарқанд вилоятининг «Золотинка» ёзги дам олиш масканида 680 нафар болажон кўнгилли дам олиб қайтилар.

Шунингдек, «Қасаба уюшмалари — болаларга», «Чеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин», «Қасаба уюшмалари — ёшларга» акциялари доирасида болалар, ёшлар, хотин-қизлар, ҳарбийлар, ногиронлар учун тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, Хўжайли туманидаги аёллар «Мурувват» уйига ҳомилийк ёрдами кўрсатилиб, ногиронлар ҳолидан хабар олindi.

Мамлакатимизда дунё аҳли ҳавас қилса аризулик қадимий шаҳарлар кўп. Утган давр мобайнида меҳнаткашларнинг 1376 нафари Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида, 230 нафари воҳазиннинг диққатга сазовор жойларида саёҳатда бўлди.

Ҳаёт бир зайдла кечавермайди, албатта. Энг муҳими, орқили нукталарга ўз вақтида малҳам қўйиш, ёрдам қўлини чўзиш ва кўнгил кўтаришга кўп нарса боғлиқ. Жорий йил бошидан шу кунга қадар 114 та ёзма, 14 озғак, «Ишонч телефони» орқали 275 нафар фуқаронинг муурожаатлари қабул қилиниб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Амалга ошириладиган эзгу ишлар туфайли қасаба уюшмаларида бўлган муносабат ижобий томонга ўзгариб, аъзолик афзалликларининг амалий кўриниши сифатида тобора жозиба касб этаётди. Бизнинг энг катта бахтимиз, бу инсон ёзоз топган юрда яшаётганимиздир. Зеро, саъй-ҳаракатларимиз ҳам шунга яраша бўлиши керак.

Муратбой ДАНЫРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

# Она ва бола саломатлиги йўлида

Қ(1).

Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, БМТ аҳолишунослик жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари М.Ябута ва бошқалар мамлакатимизда Президент Исрол Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилиб, амалга оширилаётган «Соғлом она — соғлом бола» миллий модели оналик ва болалиқни тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, миллат генофондини мустаҳкамлашда юксак самаралар бераётганини алоҳида эътироф этишди.

Анжуман иштирокчилари ва хорижий меҳмонлар Тошкент шаҳридаги 23-оилавий поликлиника, «Журхоний» маҳалласига ташриф буюриб, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликда амалга оширилаётган ишлар, хусусан, оилалар мустаҳкамлиги ҳамда аҳоли саломатлигини сақлашда жамоатчилик вакилларининг кенг иштирокини таъминлаш борасидаги фаолияти билан танишдилар. Айниқса, поликлиникада ҳафта кунларининг тақсимоти меҳмонларда қизиқиш уйғотди. Жумладан, Сешанба — Ҳомилалар кунда поликлиникадаги фаолият, ҳомилалар аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги тадбирлар, кенг аҳоли оммаси билан ишлашда тиббиёт ходимларига жамоатчиликнинг яқиндан қўмақлашуви, «Саломатлик» секторларининг мазмун-моҳияти, улар томонидан амалга ошириладиган аҳамиятга молик ишлар, маҳаллаларда аёллар, хусусан, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шaroитлар уларда катта таассурот қолдириди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари мазкур маҳалладаги пири бадавлат, ибратли оилалардан бирига ташриф буюриб, халқимизнинг ўзига хос қадриятлари билан яқиндан танишдилар.

Анжуманда халқаро экспертлар ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг UNFA, UNICEF ва «БМТ — Аёллар» жамғармаларининг Марказий Осиё ва Шарқий Европа минтақавий вакиллари қатнашиб, оила мустаҳкамлиги, она ва бола саломатлиги инсониятнинг нафақат бугуни, балки эртанги кунини ҳам белгилайдиган муҳим омиллардан бири эканлигини эътироф этган ҳолда, бу борада Ўзбекистон кўлга киритган натижаларга алоҳида эътибор қаратди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Муқаддас РАЗЗОҚОВА, «Ishonch» мухбири

# азиздир инсон!

## Кенг имкониятлар самараси

Тошкент давлат стоматология институтининг Нукус филиали ташкил этилиб, бугун унда 110 нафар талаба таълим-тарбия олмакда.

Эл соғлиги — юрт бойлиги. Ана шу ҳикматга амал қилиб аҳоли саломатлиги, уларга тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами йил сайин кенгаймоқда. 2008 — 2015 йиллар давомида 71 та соғлиқни сақлаш муассасасида қарийб 125 миллиард сўмлик куришиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Барча туман тиббиёт бирлашмалари капитал реконструкция қилиниб, уларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати юқори даражага кўтарилди. Қорақалпоғистон Республикаси Онкология диспансери, Сил касалликлари шифонаси курилиб, бугунги кунда бу ерда аҳолига намунали хизмат кўрсатилмоқда.

Худудда фаолият олиб бораётган акушер-гинеколог, анестезиолог, жарроҳ, неонатолог мутахассислари Япония, Туркия, Эстония, Жанубий Корея, Польша ва Россия каби мамлакатларда малака ошириб келишмоқда. Қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни тақомиллаштириш натижасида 1998 йилга нисбатан қишлоқ врачлик пунктлари сони 37 тадан 188 гага етказилди. «Саломатлик-3» лойиҳаси асосида туман тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида 5,3 миллиард сўмлик замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Ун битта туман тиббиёт бирлашмалари замонавий рентген аппаратуралари, Қорақалпоғистон Республикаси кўп тармоқли тиббиёт маркази компютер томограф билан таъминланди. Келгуси беш йилда

56 та соғлиқни сақлаш муассасасида реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди ва бу тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада юқори поғонага олиб чиқади.

Маданият соҳасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Тўртқўл туманида «Ёшлик», Амударё, Нукус туманларидаги маданият ва истироҳат боғлари реконструкция қилиниб, капитал таъмирланди. Нукус шаҳридаги «Истиқлол» болалар дам олиш маскани, Беруний, Қўнғирот туманларида ана шундай боғлар янгидан барпо этилди. Шунингдек, 2015 — 2018 йилларда худудда жами 57 та маданият ва аҳоли дам олиш марказларида реконструкция ва таъмирлаш ишлари кўзда тутилган.

Нукус шаҳрида олиб борилаётган курилиш, ободонлаштириш ишлари тобора кенг кўлам касб этмоқда. «Дўстлик» каналининг шаҳар ичидан ўтувчи 2,5 километрлик иккала соҳили бетон билан қопланди. Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида канал бўйида нон цехи, очиқ автотрол, «Болалар дунёси» хиббони, музқаймоқ ва замонавий салқин ичимликлар павилони фойдаланишга топширилди. Баскетбол, футбол ва теннис майдончаларининг курилиш-таъмирлаш ишлари якунланди. Жами 4,3 миллиард сўмлик лойиҳа асосида замонавий «Ёшлар маркази» реконструкция қилинди.

Шаҳарда кейинги икки йилда янгидан 34 та кўп қаватли замонавий уйлар куриб битказилди ҳамда улар қошида 1426 та тураржой ва 150 дан зиёд маийш хизмат кўрсатиш объекталари фаолиятини йўлга қўйилди.

Шунингдек, Нукус шаҳрини дунёга танитаётган И. В. Савицкий номидаги Қорақалпоқ Давлат санъат музейининг иккин-

чи навбати курилиши якунланмоқда, замонавий кибфеда Нукус темир йўл вокзали тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Нукус халқаро аэропорти, шаҳар савдо мажмуаси, деярли барча идораларнинг маъмурий биноларида реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Мустақилликнинг 25 йиллиги муносабати билан Нукус шаҳри марказидаги 25 та кўчада намунали тарзда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Бундай ишлар туманларда ҳам қизгин тус олган.

Мустақиллик йилларида Амударё узра Нукус шаҳрини Хўжайли тумани билан, Беруний туманини Хоразм вилояти билан туташтирувчи замонавий кўприклар ишга туширилди. Устюрт бағрида «Буюк ипак йўли» лойиҳаси асосида бунёд этилган Қозғоғистоннинг Бейнеу шаҳрига қўзилган кенг ва раво йўл бугун йўловчиларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилмоқда. Умуман, кейинги етти йилда жами 783,1 километрлик халқаро ва давлат аҳамиятидаги йўллар таъмирланди.

Аҳолининг сифатли ичимлик суви, саноат корхоналари маҳсулотлари, электр энергияси таъминотида бўлган эҳтиёжларини тўла қаноатлантириш мақсадида 2015 — 2020 йилларда мўлжалланган бир қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Эзгу мақсадларни дилига жо қилиб, қўлни-қўлга бериб ғайрат-шижоат билан яратувчанлик ва бунёдкорлик йўлини танлаган халқнинг бугуни ҳам, келажиги ҳам нурафшондир.

**Баҳодир ЯНГИБОВЕВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси  
Вазирлар Кенгаши раиси

### Намунали оила

## Етказганига шукр

**Болалигим ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келган. Санъат — жону дилим. Лекин мен вояга етган Кегайли туманининг чекка қишлоғида, мусиқа мактаби бўлмаганлигидан ҳалигача афсусланаман...**

Бугун мамлакатимиз ёшлари ўз иқтидорларини рўёбга чиқариши учун барча имконият яратилган. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги Қарорини ўқиб, ўзимда йўқ хурсанд бўлганман. Қарор ижросини таъминлашга йўналтирилган бунёдкорлик ишлари натижаси ўлароқ диёримизда кўплаб замонавий услубдаги, барча қулайликка эга бўлган мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди. 2020 йилгача бу соҳадаги сай-ҳаракатлар давом этилажигидан ҳам хабаримиз бор.

Шундай замонда яшаётганимдан, олти нафар санъатсевар ўғил-қизнинг волидаси эканлигимдан яратганга шукрона-

лар айтаман. Умр йўлдошим Буркит Пиязов Нукус шаҳридаги 1-мусиқа ва санъат мактабига ўқитувчи. Қизларим Бахт, Айнура, ўғлим Нурлибек Нукус маданият ва санъат коллежидан сабоқ берадилар. Уртанча ўғлим Женисбек Ўзбекистон Давлат консерваториясида дарс беради, укаси Жанибек Нукус шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўқитувчиси. Оиламизнинг кенжаси Ақилбек Нукус маданият ва санъат коллежидан тахсил олаётти.

Ўғилларим Женисбек ва Жонибек «Ниҳол» Давлат мукофоти соҳиб бўлишди. Женисбек ўғлим Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист унвонларига сазовор бўлганидан қанчалар фахр-ифтихор туйганимни таърирлашга тилим ожиз.

2014 йили Тошкентда ўтказилган Наврўз байрамида оиламиз аъзолари билан санъатимизни намойиш этиб, хур-

мат-эҳтиром кўрдик, буни қарангки, шу йили «Энг намунали оила» кўрик-танловига Пиязовлар хонадони мамлакатимиз миқдосида гўлиб деб топилди.

Бугун мамлакатимизда ёш авлодга пухта таълим бериш, уларни Ватанимизга содиқлик руҳида камол топтираш йўлида олиб борилаётган эзгу амалларни кўриб, оддийгина қишлоқ аёли сифатида «Кеча ким эдигу бугун ким бўлди?» деган саволлар хайлимни чулғаб олади. Оиламнинг, фарзандларимнинг эришяётган ютуқларини мустақиллигимизнинг меваси деб биламан.

**Инжигул САБУРОВА,**  
Қорақалпоғистон  
Республикасида хизмат  
кўрсатган маданият ходими

### Фермерлик

## Интиланганининг қўли баланд

**Истиқлол шарофати билан қишлоқларда ҳам яшаш учун қулай шароитлар яратилди. Ўзлаб шахарликлар овулларга кўчиб, деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик ва баликчилик билан шуғулланаётгани, албатта, бежиз эмас. Фермерлик соҳасида ўз имкониятларини синовдан ўтказиб, мулк эгаларига айланаётганлар қанча.**

Овулларимиз шундай тезлик билан ривожланиётгани, гўё давр у билан баҳсда орқада қолаётгандек. Амударё туман марказида яшасам ҳам «Тўлқин» овул фуқаролар йиғини худудидан ер олиб, фермерлик соҳасида фаолият кўрсатишга бел боғладим. Чорвачиликни йўлга қўйиш мақсадида 2011 йили банкдан 2 млрд. 210 млн. сўм миқдорда кредит олдим. Ақратилган маблағнинг бир қисми Голландиядан олиб келинган дастгоҳларга сарфланди. 400 млн. сўмига Польшадан 68 бош зотдор қорамол харид қилдик. Тадбиркорларга давлатимиз

томонидан яратилган қулайликдан фойдаланиб, шу тариха замонавий русумдаги чорва комплекси бунёд этилди.

Бугун ишларим юришиб кетганидан хурсандман. Қарамогимиздаги 180 бош йирқи шохли қорамол ҳаққий барака манбаига айланиб, йилига 5-6 тонна гўшт, 300 тоннадан кўпроқ сарқаймоқ сўт минглаб хонадонларнинг дастурхонини безаяпти. Зотдор молларимиз учинчи авлод наслини бераёпти. Меҳнатимиз эвазига келлаётган даромаднинг бир қисмини банкдан олган қарзни қайтаришга йўналтиряёғимиз. Комплексимиздаги барча



хизматлар замонавий, автоматлаштирилган дастгоҳлар зиммасига юклатилганини сабаб, ферма моллари бор-йўғи 4 нафар ишчи қаровида. Доймий иш билан таъминланган қишлоқ ёшларининг оилалари бут, кайфиятлари аъло.

Чорвачилик учун ажратилган 80 гектар ер майдонида 15 нафар ходим мавсумий ишлар билан банд. Озуқабоп экиларимиз пешма-пеш буй қўзиб, эҳтиёжимизни қондираётимиз. Жорий йил 5 гектар майдонга мош эканмиз. Ун тонна ҳосилни чет давлатга сотишни режалаштиряёғимиз. 2 гектар майдондаги боғнинг олмалари пишиб етиляпти.

Ишчиларимизнинг оғирини енгил қилаётган турли русумдаги ўнта қишлоқ хўжалиги техникасига эгамиз. Хўжалиги-

мизнинг таъмирлаш устахонаси ва молларни сунъий йўл билан урулантириш пункти иш-лаб турибди.

Жамоа касабакўм раиси Сардор Ибрагимов тиниб-тинчимас, абжир йигит, ташаббускор. У бу йил коллежни тугатган 40 нафар йигит-қизга наслдор моллардан тарқатиш ва 2 нафар коллеж битирувчисини ишга қабул қилиш таклифи билан чиқди.

Банқдан олган кредит маблағларни қайтаргач, қўшимча иш ўринларини яратиб, қишлоқ ёшлари бандлигини таъминлашга кўмаклашишни ният қилганмиз. Бу борада тахминий бизнес лойиҳаларимиз ҳам бор. Гўшт ва сунти қайта ишлаш, йилқиччилик соҳасида ўзимизни синов кўриш, чет мамлакатларга маҳсулот

чиқариш каби режаларимиз рўёбга чиқишидан умидворимиз. Айни пайтда комплексимизда ўнга яқин от боқилиб, парвариланмоқда.

Соҳани танлаб кам бўлаётганим йўқ. Эл-улусга танилдим. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказиладиган «Ташаббус — 2014» кўрик-танловининг «Озиқ-овқат саноатидаги энг яхши йил тадбиркори» номинацияси гўлиби дипломи ва кимматбахо совбаси билан тақдирландим. Ушбу мукофот фаолиятимни янгидан-янги босқичларга кўтаришга ундайди.


Савоб қиламан деган кишининг ҳамisha йўли очик. Яқиният билан «Бўзсув» аҳоли пунктида яшайдиган оилаларнинг фарзаңдлари учун сунъий қоплама ётқизилган махсус ўйингоҳ куриб бердик.

Юрт равнақи, ватан тараққиёти учун ҳаммамиз масъулмиз. Қолаверса, бу фуқаролик бурчимиз ҳамдир.

**Исламбек МАТКАРИМОВ,**  
«Аму соҳили» фермер  
хўжалиги раҳбари

Кўшахифани «Ishonch» мухбирлари Дилором АЛЛАҚУЛОВА ҳамда Ортиқбой МАМУТОВ тайёрлади.

### Танлов



**Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларида «Ўз касбининг мохир эгалари» кўрик-танловининг I-босқичи якунланди.**

## Муносиблар сараланди

Андижон, Фарғона, Навоий вилоятларидаги тармоқнинг бошланғич ташкилотларида кўрик-танлов юқори савияда ташкил этилди. Гўлиблар кимматбахо совғалар билан тақдирланди. Улар орасида «GM-Uzbekistan» АЖ сифат бошқармаси функционал сифат бўлими бошлиғи Дилшодбек Мамадалиев ҳам бор. Яқин-яқингача RT-ED участкасида махсус қузовлар ҳаракатланадиган хангерларни тозалаш тизими қўл меҳнати билан бошқарилди. Дилшодбекнинг ушбу тизимни автоматлаштириш гоёсини илгари сурганлиги ишни анча осонлаштирди. Бу тақлиф ишлаб чиқаришга жалб этилгач, ўз самарасини бера бошлади. Аввало, хангерлар тозалаш сифати яхшиланди. Вақтдан тежашга эришилди, иш унумдорлиғи ошди.

Энг намунали бошланғич ташкилотлардан бири «Самарқанд автомобил заводи» МЧЖда ҳам танлов юқори даражада ўтди. Барча иштирокчилар саёхат йўланмалари билан тақдирланди. Танлов гўлиби Хамза Саидов «Ботаника» санаторийсида дам оладиган бўлди.

«Ўзқабел» АЖ қўшма корхонасида бўлиб ўтган кўрик-танлов ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Унда корхона цехи прессловчиси Мирабзал Ахматов гўлиб деб топилди.

**Шодия АЮПОВА,**  
тармоқ Республика кенгашининг  
ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё туман кенгаши томонидан бошланғич ташкилотларда меҳнатқарорнинг ўз касбига бўлган фидойилиғи ва ижодкорлик қобилиятини рағбатлантириш, уларнинг профессионал даражасини ошириш, меҳнат унумдорлигини таъминлаш ҳамда ижтимоий фаолиятга янада кенг жалб этиш мақсадида «Ўз касбининг мохир эгалари»ни тақдирлаш тадбирлари қизгин давом этмоқда.**

Танловнинг саралаш босқичи туман Болалар ва ўсмирлар спорт мактабига юқори савияда ташкил этилди. Якунда спорт мактабининг тош кўтариш бўйича мураббий Лочин Хусанов танловнинг туман босқичига йўл олди.

Таъкидлаш жоизки, жорий йил апрел ойида вилоятнинг Бахт шаҳрида ўтказилган спортнинг тош кўтариш бўйича республика очик биринчилигида Лочин Хусановнинг шогирдлари умумжамоа ҳисобида энг юқори ўринни эгаллагани мураббийнинг меҳнатлари муносиб баҳола-нишига сабаб бўлди. Айни кунларда унинг шогирдлари жорий йил 26 — 31 октябр кунлари Италиянинг Турин шаҳрида ўтказиладиган Жаҳон чемпионатида қизгин тай-ёргарлик кўрмоқда.

**А. МАМАРАСУЛОВ,**  
тармоқ ходимлари касаба уюшмаси  
Республика кенгашининг  
Сирдарё вилояти бўйича  
масъул ташкилотчиси

### Бошланғич ташкилотларда

## Ходимлар эътиборда

**«Қишлоқ курилиш банк»нинг Хива туман бўлимида 44 нафар ходим ишлайди. Жамоа шартномаси асосида уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда қуқуқий манфаатлари мустаҳкам ҳамда қилинмоқда.**

Жамоада ташкил этилган «Маънавият соати»да «Ким эдигу, ким бўлди?» деган савол атрофида билдирилган фикрлар, барча соҳада, айниқса, банк-молия тизимида амалга оширилган ишлардан қанчалар самара бераётгани тўхталиб ўтилди.

Шунингдек, ташкил этилган спорт мусобақаси ходимлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бирга, уларга руҳий кўтаринкилик бағишлади.

20 нафар хизматчи эса Султон Увайс бобо ва Шайх Жалил бобо қадамжоларига уюштирилган зиёратдан бир олам таассуротлар билан қайтишди.

**Мансурбек СОБИРОВ,**  
«Қишлоқ курилиш банк» Хива туман бўлими  
касаба уюшма кўмитаси раиси





# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

Касаба уюшмалари — болаларга

## Тозалик, озодалик — саломатлик гарови

**Дунёда бола кувончи-ю саломатлигидан улуг ва ёқимли нима бор?! Соғлом авлод камоли йўлида амалга оширилган ҳар қандай хайрли иш ватанимиз истиқлоли ва порлоқ истиқболга хизмат қилади. Зеро, ҳар жиҳатдан етук, миллий қадриятлар ва умуминсоний тамойиллар асосида камолга етган фарзанд оила ва жамиятнинг мустаҳкам таянчи, мамлакат келажакнинг муҳим кафолатидир.**

Истиқлол йилларида болажонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, баркамол авлод тарбияси масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой эгаллади. Мазкур йўналишларда амалга ошириб келинаётган ишлар бугун ижобий самара бериб, халқаро даражада эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам ўз фаолиятида болалар манфаатларини таъминлаш, меҳнатқашлар фарзандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб, тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб келаётган. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари орқали меҳнатқашлар фарзандларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳорижий тилларни ўрганишида қўмақлаш, ўқув курслари ва дарсликлар билан таъминлаш каби ишлар йўлга қўйилган. Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказиб келинаётган «Касаба уюшмалари — болаларга» анъанавий акцияси доирасида эса эртамаз эгалари иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, дунёқарашини кенгайтиришга йўналтирилган тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг 6 сентябр кунини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида «Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси ташкил этилиб, акция доирасида илк бор мактаб остонасига қадам қўйган 12 минг нафар 1-синф ўқувчилари учун «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбири ўтказилди.

Мазкур лойиҳадан қўзланган мақсад — болажонларга кичик ёшдан соғлом турмуш тарзи тамойиллари, юз-қўллари, кийим-кечак ва ўқув анжомларини озода тутиш, саранжом-сарихшалликка риоя этиш тартиб-қоидаларини сингдиришдир. Тадбир давомида ўғил-қизларга бу борада тушунтиришлар бериш билан бирга, кундалик ҳаётда риоя этиш лозим бўлган санитария-гигиена қоидаларини жамланган эслатма-қўлланма тақдим этилди. Шунингдек, 12 минг нафар ўғил-қизларни ҳар бирига гигиеник воситалар тўплами ҳада қилинди.

Мамлакатимизнинг чекка туманларидаги 290 дан ортиқ қишлоқ мактабларида ташкил этилган ушбу тадбирларда ўқувчиларнинг қўлларидан фойдаланган ҳолда атроф-муҳит муҳофафазасини сақлашга ундовчи экологик суҳбатлар ҳам ўтказилди. Шунингдек, юқумли касалликлардан сақланишда шахсий гигиена қоидаларига риоя этишнинг муҳим шартлари тўғрисида тушунтиришлар берилди.

Мазкур акция доирасидаги тадбирлар дастуридан болажонлар учун мўлжалланган маданий-маърифий тадбирлар ҳам ўрин олди. Уларда кўргичроқ театри актёрларининг чиқишлари ташкил этилиб, тозалик ва озодаликнинг ҳаётда нақадар муҳим эканлиги, озода қўллар саломатлик гарови эканлиги саҳналаштирилган кўринишлар орқали очиб берилди.

«Касаба уюшмалари — болаларга» акцияси республикамизнинг барча ҳудудларидаги чекка туманларнинг умумтаълим мактабларида 1-синф ўқувчилари ўртасида бир вақтда ўтказилди.

### Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати

**Тошкент шаҳрида** ўтган «Касаба уюшмалари — болаларга» анъанавий акцияси доирасидаги «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирларида Федерация Кенгаши вакиллари, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси, туман кенгаши раислари, фаоллар, педагоглар ҳамда табибёт ходимлари қатнашти.

Юнусобод туманидаги 271-умумтаълим мактабда ташкил этилган тадбирда ўғил-қизларга санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш, соғлом турмуш тарзи ва атроф-муҳитни озода тутишнинг аҳамияти ҳақида батафсил тушуноча берилди. Болажонларга гигиеник воситалар тўпламлари тақдим қилинди.

Мақтабда чиқиб, Президентимизнинг совғасини олдим. Энди касаба уюшмасининг совғасини беришди, — дейди 1-синф ўқувчиси Ирода Иброҳимова. — Озода юрсак, касал бўлмас эканмиз. Шунда ҳаммиша ўйнаб-қулиб мактабга келамиз. Ушбу озодалик воситалари бизга соғлом бўлиб, авло бахоларга ўқшимизда яқин кўмакчи бўлади. Шу ҳақда бир шеър айтмоқчи эдим:

*Мен лоламан, лоламан,  
Озода қил бўламан.  
Эрта биз тураман.  
Юз-қўлимни юваман.*

Бундай тадбирлар пойтахтимиз туманларидаги бир қатор мактабларда ҳам ўтиб, умумий ҳисобда 880 нафар биринчи синф ўқувчисига гигиеник воситалар тўпламлари ҳада этилди.

Акция доирасидаги тадбирлар Жиззах вилоятининг чекка ҳудудлари бўлган



Пахтакор, Фаллаорол туманларидаги умумтаълим мактабларида юқори савида ташкил этилди.

Пахтакор туманидаги 3-, 14-, 8-, 17-умумтаълим мактабларининг уч юз нафар биринчи синф ўқувчисига санитария-гигиеник пакетларга жойланган эсдалик совғалари тақдим қилинди. Тадбирлар жараёнида табибёт хизмати ва синф раҳбарлари томонидан тайёрланган махсус интерфаол дарслар ўтказилиб, юқумли касалликларнинг олдини олиш бораида риоя қилиниши лозим бўлган санитария-гигиеник қоидалар тарғиб этилди.

Ўқувчилар соғлом турмуш тарзи, атроф-муҳит, жамоат жойлари, мактаб, синфхоналар, шахсий буюм, кийим-кечаларни тоза, озода тутиш қоидаларини юзасидан мутахассислардан дастлабки маълумотларни олишди.

Қатор йиллардан буён ўтказиб келинаётган ушбу тадбир касаба уюшмалари нуфузини янада оширишга хизмат қилмоқда, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши раиси Собирхон Пирматов. — Болажонларнинг кувончи бир олам бўлиш билан бирга тозалик, озодалик юзасидан билимлари бойгани ҳам рост.

Фаллаорол туманидаги умумтаълим мактабларининг биринчи синф ўқувчиларига ҳам Федерация Кенгашининг 420 та совғаси улашди.

**Сурхондарё** вилоятининг Бойсун, Жарқўрғон ва Олтинсой туманларидаги энг чекка қишлоқ мактабларида ҳам акция доирасидаги тадбирлар ушшоқлик билан ташкил этилди. Жарқўрғон туманидаги 8-, 44-, 49-, 54-, Олтинсой туманидаги 10-, 13-, 39-, 60-, шунингдек, Бойсун туманидаги мактабларнинг 1-синфга қабул қилинган 850 нафар ўқувчисига ЎзКўФКнинг санитария-гигиеник воситалардан иборат эсдалик совғалари тақдим қилинди. Туман табибёт бирлашмалари мутахассислари соғлом турмуш тарзининг аҳамияти, шунингдек, турли юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб берди.

Федерация Кенгашининг совғалари ота-оналарни ҳам беҳад хурсанд этди.

**Сирдарё** вилоятининг 6 та туманидаги умумтаълим мактабларида ушбу тадбир юқори савида ташкил этилди. 1-синф ўқувчилари ўртасида соғлом турмуш тарзи тарғиб этилиб, улар учун шахсий гигиена воситалари тўплами, эслатма материаллар ҳада этилди. Болажонларнинг доимо озода ва тартибли бўлиши қанчалик зарурлиги касаба уюшма вакиллари билан биргаликда мактаб директори, ҳамшира ва синф раҳбарлари иштирокида интерфаол усулда қизиқарли қилиб тушунтирилди. Акция доирасида Ховос ва Бобўв туманларидаги 17 та умумтаълим мактабларининг

700 нафар ўқувчисига совғалар улашди. Жажжи болажонлар меҳмонларга ўзларининг ёд олган шеърларини айтиб беришди.

Акция доирасидаги тадбирлар Хоразмлик 780 нафар биринчи синф ўқувчисига ҳам олам-олам завқ бағишлади.

Тадбир иштирокчилари ўқувчилар билан мамлакатимизда болалар манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлигини асраш бораида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, турли касалликларнинг олдини олиш, соғлом бўлиб вояга етишда тозалик, озодаликнинг аҳамияти ҳақида суҳбатлашди. Табибёт ходимла-

лаблари бўйича тушунтириш-тарғибот ишларини олиб борди. Шундан сўнг мактаб директори Зафар Қобилов ва бошланғич касабакўм раиси Насиба Рўзиевалар болажонларга Федерация Кенгаши совғаларини тақдим қилди. Шу кун туманининг чекка ҳудудларида жойлашган 10 та мактабнинг 450 нафар биринчи синф ўқувчилари ана шундай рағбатдан баҳраманд бўлдилар.

— Бугунги тадбир менга жуда ёқди, — деди Чироқчи туманидаги 36-таълим мактаби ўқувчиси Мафтуна Саъдуллаева. — Устозларимиз бизга тозалик қоидалари, унинг фойдаси ҳақида ташкил этилди. Чироқчи туманидаги энг чекка Оқчева, Бешчашма, Дилла Сафаров, Чиял, Қўқдала, Зарбдор, Пахтакор хўжаликларида жойлашган 8 та умумтаълим муассасасининг 475 нафар 1-синф ўқувчисига санитария-гигиена воситалари тўплами совға қилинди.

— Шунингдек, «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирлари Қашаши туманидаги 9 та мактабда кўтаринки руҳда ўтди.

— Болажонлар юзидан кувонч, уларнинг кўргазмалари чиқишлари, ўқиб берган шеърлари бизни қаттиқ ҳаяжонга солди, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қашаши туман кенгаши раиси Феруза Абдурахмонова. — Утилган академик дарсларда шифокорлар, ўқитувчилар озодаликнинг сифатлари ҳақида қизиқарли ҳикоялар ўқиб беришди. Федерация Кенгашининг совғалари эса жажжилар ёдида бир умр сақланадиган бўлди.

**Қорақалпоғистон Республикаси** касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаоллари ҳамда соҳа мутахассислари акция доирасида Мўйноқ, Қўнғирот, Шуманай, Қонлиқул, Тахтақўпри, Қораўзақ, Кегайли ва Нукус туманларидаги мактабларда бўлиб, 800 нафар 1-синф ўқувчиларига Федерация Кенгашининг шахсий гигиена воситалари жамланмаларини тақдим қилди.

— Кўнғирот туманидаги 54-, Қонлиқул туманидаги 5- ва 13-мактабларнинг 1-синфига ўқиниш борган 188 нафар болажонга озодалик воситаларидан иборат совғаларни тақдим қилди, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон бўйича масъул ташкилотчиси Рустам Абдурахмонов. — Тадбир давомида шифокорлар, синф раҳбарлари томонидан интерфаол дарслар ўтказилиб, жажжиларни санитария-гигиена қоидаларига риоя қилишга ундовчи тарғибот ишлари олиб борилди.

**Тошкент вилояти** касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Чиноз, Оққўрғон, Пискент туманларидаги қишлоқ мактабларида ташкил этилган «Тозалик, озодалик — саломатлик гарови» тадбирида 900 нафар 1-синф ўқувчисига Федерация Кенгашининг эсдалик совғалари (санитария-гигиеник пакетлар) тақдим этилди.

Тиббиёт ходимлари санитария-гигиена қоидаларига бўйича жажжиларга тавсиялар беришди. Пискент туманидаги 11-мактабнинг 1-синф ўқувчиси Зиёда Аҳмаджонова ҳам барча дўстлари каби касаба уюшмаларининг совғасидан беҳад қувонганини айтиб, Ватан ҳақида ёдлаган шеърини айтиб берди.

**Наманган** вилоятининг Поп, Ҳайи, Мингбулок, Норин туманларида ўтказилган тадбирларда 900 нафар болажон қамраб олинди. Тадбир баҳонасида болажонлар билан суҳбатлашар эканмиз, улардаги фикрий ривожланишдан хурсанд бўлдик. Ахир бир неча йилгина аввал шу ёшдаги ўғил-қизларга тозалик воситаларидан қандай фойдаланишни ўргатиш мақсадида касаба уюшма фаоллари томонидан дарслар ўтилган эди. Бугун эса бунга эҳтиёж сезилмапти.

— Жисм тоза бўлса, қалб ва онг гурбурлардан холи бўлади, — дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Поп туман кенгаши раиси Дилшод Дехқон. — Туманимизнинг чекка ҳудудларида жойлашган 8 та мактаблардаги 300 нафар болажонга ўқирганимиз, энг аввало, шу қоида бўлди. Соф руҳ ва пок тийнат билан ҳар қандай юксак марранни забт этиш мумкин.

**Ўз муҳбирларимиз.**  
Икром ҲАСАНОВ олган сурат.

Футбол

**Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2018 йили Россияда бўладиган жаҳон чемпионати Осиё саралаш мусобақаси учинчи босқичининг иккинчи турда Қатар терма жамоаси меҳмони бўлди.**

## Навбатдаги муҳим ғалаба

Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Қатар ва Сурия миллий терма жамоалари билан «А» гуруҳидан жой олган мамлакатимиз футболчилари дастлабки учрашувда Александр Гейнрихнинг голи эвазига сурияликлар устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, муҳим уч очкони қўлга киритган эди. Эронликлар Қатар терма жамоасини 2:0 ҳисобида енгган бўлса, Жанубий Корея вакиллари хитойликларни 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратган.

Қатарнинг «Ас-Садд» жамоаси уй ўйинларини ўтказадиган стадионда бўлиб ўтган учрашунинг дастлабки бўлими мезонлар фаоллигида ўтди. Ўзбекистон қарши ҳужумлардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Шунга қарамай, ҳар икки жамоа дарвозаси ишол қилинмади.

Иккинчи бўлимда вакилларимиз ҳужумга ташланди. Самвел Бабаев жамоа таркибиде бир неча ўзгаришларни амалга оширди. Хусусан, Сардор Рашидов ўрнига майдонга тушган Александр Гейнрих ўйинимизнинг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлди.

Учрашувдаги ягона гол 86-дақиқада киритилди. Хитойнинг «Бейжинг Гоан» клуби ҳимоячиси Егор Кримец ўзининг терма жамоа таркибиде расмий учрашувлардаги дастлабки голини киритди — 0:1.

Сурия ва Жанубий Корея, Хитой ва Эрон терма жамоалари ўртасидаги учрашувларда ҳисоб очилмади. Шундай қилиб, мамлакатимиз футболчилари гуруҳда икки тур якунлари бўйича 6 очко билан пешқадамлик қилмоқда.

Ўзбекистон терма жамоаси 6 октябр кунига мўлжалланган учинчи тур учрашувини ўз майдонида Эрон вакиллари қарши ўтказди.

**Аҳдам АРСЛОНОВ,**  
«Ishonch» муҳбири

Маънавият соати

## Тинчлик ва осойишталик қадри

**Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сардоба туман кенгаши ҳамда туман халқ таълими бўлими ҳамкорлигида «Маънавият соати» ташкил этилди.**

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан янгиланиб, обод ва гўзал бўлиб бораётгани, шунингдек, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари фаровонликнинг амалий намойиши бўлаётганини таъкидлашди.

— Тинчлик ва осойишталик, миллатларо ҳамжиҳатлик улкан ютуқларимизнинг бош омилдир, — деди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, меҳнат фахрийси Х.Шукуров. — Эркин фикрлайдиган, ўз эътиқодига содиқ, маънан ва жисмонан етук, замонвий билим ҳамда касб-уҳнарларни пухта эгаллаган иқтидорли йигит-қизларни камол топтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган юртнинг келажаги янада порлоқ.

**А.МАМАРАСУЛОВ,**  
тармоқ ходимлари КАСАБА УЮШМАСИ  
Республика кенгашининг  
Сирдарё вилояти бўйича масъул  
ташкилотчиси

Реклама ҳуқуқида

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тижорат банклари тизимини ривожлантириш, фаолият қўламини кенгайтириш ва ҳар жиҳатдан тақомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилди. Бунинг натижасида иқтисодиётимизни тараққий эттиришда банкларнинг ўрни мустаҳкамланди. Акциядорлик тижорат «Ипотека-банк» фаолиятини бу борада алоҳида тилга олиш мумкин.**

## Банк ва мижоз

Банкнинг Тошкент шаҳар Яшнобод туман филиали томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларга кўрсатиб келатган қўлай ва мақбул хизматлари ҳам фикримизни тасдиқлайди. Жумладан, ҳўжалик юритувчи субъектларга айланма маблағларни тўлдирish, тижорат, саноат ва ижтимоий объектларни реконструкциялаш, капитал таъмирлаш, янгисини қуриш, мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш, минитехнология ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун кредитлар ажратилмоқда.

Бундан ташқари, жисмоний шахсларга яқна тартибда уй қуриш, сотиб олиш, иш оилаларга ипотека кредитларини бериш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобил, меҳнат, маийий техника ва бошқа товарларни сотиб олиш, доволаниш ва маросимлар ўтказиш учун кредитлар берилаётган.

— Биз касб-уҳнар коллежлари битирувчиларининг бизнес режаларини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаймиз, — дейди «Ипотека-банк»нинг Яшнобод туман филиали бошқарувчиси Нодиржон Исमतов. — Жисмоний шахс мақомида фаолият юритаётган битирувчи энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари, юридик шахсларга 300 бараварига кредитлар ажратилади. Ушбу маблағлар қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш учун айланма маблағни тўлдирish, шунингдек, асбоб-ускуналар сотиб олишга 2 йил муддатга, инвестиция лойиҳасини молиялаштиришга 3 йилдан ортиқ муддатга берилади.

Банк томонидан мижозларга ажратилаётган кредитлар, юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган комплекс банк хизматлари халқимиз турмуши ободлигига хизмат қилмоқда.

**Холида СУЛТОНОВА**

Хизматлар лицензияланган.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Sharofboyev  
**Tahrir hay'ati:**  
Abdulaziz Abdullayev, To'iqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanovjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshhev

**BO'LIMLAR:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-84-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va o'lonlar — 256-87-73  
Manzillimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz  
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Soluvda erkin narxda.

**HUUDUHLARDAGI MUXBIRLAR:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**  
A.Toshev  
**Navbatchi:**  
A.Arslonov  
**Musohih:**  
S.Shodiyeva  
**Sahifalovchi:**  
H.Abdullajilov  
Boshiga topshirish vaqi — 21:05  
Topshirildi — 22:50  
1 2 3 5 6

**«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.**  
Korxonasi manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma tobaq. Buyurtma T — 915. 14282 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133  
Taxminiy xisob raqamlari: 2021 0000 0004 3052 700 1, ATB «Ipoteka Bank» Yashnobod filiali, bank kodi: 00959, STIP: 201133899, OKNCH: 87100